

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Утган ҳафтанинг энг муҳим воқеаларидан бири, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Туркия жумҳуриясига расмий сафари бўлди. Ташриф чоғида икки дуст мамлакат уртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги поғонага кутаришга қаратилган бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Мамлакатимизда бир ҳафта давом этган Украина маданияти кунлари ниҳоясига етди. Шубҳасиз ушбу санъат байрами халқларимиз уртасидаги дустлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ТАСИСнинг «Хотин-қизлар ва демократия» лойиҳасини

Ҳафтанинг юлдузли онлари

амалга ошириш ниҳоясига етди. Шу муносабат билан пойтахтимизда махсус конференция иш бошланди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон хотин-қизларининг «Олима» уюшмаси ва Буюк Британиядаги Билстон коллежи ҳамкорлигининг маҳсули бўлди.

Тошкентдаги «Юнусобод» спорт саройида эркин кураш буйича Ўзбекистон мустақиллиги кубоги учун биринчи халқаро турнир ўтказилди. Бош мукофоти 100 минг АҚШ доллари қилиб белгиланган ушбу мусобақада мамлакатимиз Терма жамоаси учта олтин, битта кумул ва битта бронза медалини қулга киритиб умумжамоа ҳи-

собида биринчи уринни эгаллади.

Андижондаги теннис мажмуида эса Абдулҳамид Чулпоннинг 100 йиллик юбилейи шарафига вилоят ҳокими таъсис этган соврин учун «Ибрат—97» теннис турнири бошланди. Мусобақада вилоят ташкилотлари, муассасалари, йирик ташкилотлари раҳбарларининг уринбосарлари иштирок этмоқда.



Осмондан чайқала-чайқала учиб тушадиган ва оёқларимиз остида эзилдиган қор учқунларининг шакллари шундай гузалки, бу гузаллик қаршисида уста мусаввирлар ҳам лол қоладилар. Бунинг устига, қор зарраларининг бирортаси бошқа бирови билан айнан бир хил эмас. Уларнинг ҳар бири ўз ҳолича яққа санъат асрининг намунаси.

Бу ҳол овозлари, сиймоларни ёки бармоқ учларини бошқа-бошқа муҳрлаган илоҳий Қудратнинг қор зарраларидаги тажаллийсидир ва ҳар бир ҳодисада кичкина бўлса-да тасодиф бўлмаганининг қор зарралари сони қадар исботидир.

ҚОРГА БИР ҚАРАНГ

Қор қалинлиги 50 см бўлган ҳар метр квадратда 1.000.000 донга атрофида қор учқунлари бор, шунга қарамай, бутун ер юзини қор қопласа-да ҳеч бир қор зарраси шаклан бир-бирини такрорламайди. Бу ҳақиқат американик Вилсон Бенлейнинг 50 йил давомида олиб борган кузатиш ва тажрибаларининг ҳулосасида 1985 йили аён бўлди. Олим ишни 6.000 донга фотосуратни бир-бири билан солиштиришдан бошлаган эди. Олим бу ишга умрининг ярмидан кўпини сарф этди.

Ҳа, ҳар бир зарраси осмондан тушган ажойиб санъат асарига ухшайди. Сув қатралидан вужудга келган бу «асарлар» сув томчисидан яратилган яна бир асарга — инсонга Яратувчисини танитиш учун старлидир.

Балки бу қадар кўп қор зарралари орасида битта-иккита ухшашлари бўлса керак-э, деган гумонга борарсиз. Лекин инсонларнинг бармоқ изларига назар солинг! Неча миллиардлаб инсонлар яшаб ўтганига қарамай, бармоқ излари бир-бирга ухшаш икки одамни ҳеч то-

полмайсиз! Худди шунингдек, бирорта ҳам қор зарраси бошқа бир қор заррасининг айниси эмас. Шу пайтгача қор зарралари орасида айни катталиқда, айни шаклда икки қор зарраси топилгани йўқ.

Ҳа, Тангри таоло ҳар бир қор заррасини бошқасидан фарқли шакл-ўлчовда яратаркан, ўз санъатининг нақадар буюқлигини намуна сифатида инсонларнинг шундоққина куз унгида намоён қилган.

Асқар РАҲМОН тайёрлади

Мўъжизали дунё

Ахборот

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасининг хоризда ҳам ҳамкорлари, дустлари кўп. Шу кунларда уларнинг сафи яна биттага кўпайди. Юз йилдан бери фаолият юритиб, ҳаёгон бозорда ўзининг муносиб урнига эга бўлган «Олабитекс» фирмаси (Сурия)дан жамғарма раҳбарияти номига хат келди. Унда жамғарма амалга оширатган хайри ишлар фирмани қизиқтириб қолганлиги баён этилган эди. Бу сузларнинг исботи сифатида жамғарма ҳисоб рақамига «Олабитекс» фирмасидан 2,5 миллион сум келиб тушди. Фир...

КАМАРБАСТАЛИК

ма Президенти Муҳаммад Олабий жаноблари мўмин-мусулмон киши саҳоватпеша бўлиши керак, деган ақидлага амал қилади ва қайси мамлакатларда фирмасининг ваколатхонаси ёхуд дилерлари бўлса, уша ерда хайри тadbирларга баҳоли қўлат бош қўшади. «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорлик фирманинг мамлакатимиздаги ана шундай эзгу ишлар йулидаги биринчи қадами.

Ўз мухбиримиз

МУАЛЛИМДАН ЧИҚҚАН БОҒБОН

Оқсувда бир чорбоғ бор; таърифи таърифлар дол. Оқсув деганимиз Чўлибон тоғи этагидаги бир қишлоқ. Қўҳна қишлоқ, тарихи узун. Олтинсой туманидаги «Навобод» жамоа хужалиғига қарайди. Ана шу ерда 26 йил мактабда киме ва биология фанларидан дарс берган, кўп йиллар мактабга директорлик қилган Ҳамроқул Норов деган одам яшайди.

Ҳамроқул муаллим нафақага чиқди. Лекин унинг бирор кўни бекорга утгани йўқ. Муаллим нафақат ҳар кунди, балки соатни фанимат билди. Катта Оқсув ариғидан пастроқда — тошлоқ беткай ердан бир гектарча майдонни 1976 йили ўзлаштиришга киришган эди. Ҳозир ана шу кунгай ер шовуллаган бөгзорга айланди.

Шу кунларда Ҳамроқул муаллимнинг чорбоғида олти минг туп мевали дарахт ушиб турибди. Умрида олти туп кўчат экиб кўкартирмаганлар бор дунёда. «Олти минг туп дарахт» — айтишга осон. Экишнинг ўзи қийоф қилса қонки эми! Вақтида сувлаш, уғитлаш, тагини юмшатиш... Буларнинг барига кўнот, кўчқувват, ҳафсала керак. Ана шуларнинг ҳаммаси муаллимда бор. Богда олмаинг қарийб ун нави, нок, анор, шафтоли, ёнғоқлар шигил ҳосил беряпти.

Ҳамроқул муаллим бадавлат одам:

турт уғил, беш қизнинг отаси, 30 набиранинг бобоси. Муаллимнинг чорбоғида ҳосил бериб турган 43 туп ёнғоқнинг 20 тупини уғиллари-қизлари ва невараларига бир тушдан бўлиб берган. Улушини олган ҳар бир фарзанд ўз ёнғоғини яхши билди ва ҳосилини олаятти.

Дарвоқе, муаллим қурилиш учун зарур бўлган тахта-ёғоч муаммосини ҳам ҳал қилиб қўйган. Чорбоғида минг туп терак усяпти. Қишлоқда қуриладиган иморат борми, кўприк борми — Ҳамроқул ака биттадан терак ҳадя қилади...

Ҳамроқул ака ёшлтигилан от минади. Шўнинг учун боғ-ҳовлисида албатта, бир еки иккита от боғлиқ турди. Унинг ҳисобича шу вақтга қадар ўттиз олтита от минибди.

Ажабо, пойафзал ҳам узилан чиқади. Яъни пойафзалнинг «хом»ини ўзи тайёрлайди. Кимки томорқасидаги уриқни кесалиган бўлса, Ҳамроқул ака илдинини сўраб олади. Дарахт ағдарилгач, илдини кундақом қилади. Томирларини бир-бир чиқариб олгач, пустилогини арчади. Сунг пустилогини офтобда қуришиб, келида яхшилаб туяди, мсыёрига етгач қайнатади. Бу қайнатманинг номи — «кармак» дейишар экан.

— Ана шу кармак сувига солинган тери бир ҳафтадан кейин, — деб ҳикоя

Қишлоқ одамлари

қилади муаллим. (Бир ҳафтадан ошса, тери куйиб кетаркан) Такакига айланади. Айтмоқчи, такаки учун икки яшар-тана еки серканинг териси жула қул келади, тери кармакка солинганча жундан тозаланади: яхшилаб қирилади ёки сувга бир неча кун буктириб қуйилса жун ўз-ўзидан тукилиб кетади. Худлас, кармакдан чиққан тери роса ишқаланади, уқаланади. Сунг қарабсизки, хушбўй ҳидли такаки-тери тайёр бўлибди.

— Ҳозир луқондан еки бозордан пойафзал харид қилиб барака топиш қийин бўлиб қолди, — деб давом этиди Ҳамроқул ака, — нари босса, ярим йил қийиш мумкин. Мен ўз қўлим билан тайёрлаган такаки-теримдан (Сийна қишлоғидаги пойафзалдуз уста тикиб берган) бўлган пойафзални уч-турт йиллаб қияман. Шуда ҳам тагити тугийди, хо-лос.

... Чўлибон тизмаси этагида Зарбинди деган тоғ бор. Ҳамроқул муаллимнинг чорбоғи ана уша тоғ бағрида. Оқсув қишлоғига йулинтиш тўпса, Сиз ҳам кўниб утинг. Меҳмон бўласиз — ҳордик чиқарасиз, ҳам бў ажийиб инсон билан танишиб, баҳри дилинги очилади.

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ, Сурхондарё вилояти

АЁЛ — ДУНЁ БЕЗАТИ

Пайғамбаримиз Муҳаммад (С. А. В.) «Кимнинг учта қизи бўлса, тарбиясини яхши қилса, Аллоҳ Таоло уни қиямат кунинда жаннатга киритади», — деганлар. Шунда бир киши туриб:

— Эҳ Аллоҳнинг Расули, иккита қизи бўлса-чи? — деб суралди.

— Иккита қизи бўлса ҳам, — дейдилар Пайғамбаримиз (С. А. В.):

— Битта қизи бўлсачи? — деб суралди яна бир киши.

— Битта қизи бўлса ҳам, — дейдилар Пайғамбаримиз (С. А. В.).

Ислом динида куйидаги таълимот мавжуд.

«Агар бозордан болаларга совға олиб келсангиз, уларни аввало қиз болалардан бошлаб улашинг. Чунки қизларнинг кўнгли нозик бўлади».

Шунингдек, қизларни боқиб, уларни тарбиялаб вояга етказиб, отанинг, акасининг ёки бўласа бошқа бирор эр қариндошнинг бурчи ҳисобланади. Қизлар улгайиб турмушга чиққанларида эса, масъулият эрларига ёқланади. Уларни аёл сифатида эъзозлаш ҳар бир мусулмон эркакнинг шарафли бурчи саналади.

Кўрбонда «Аёлларингиз билан яхши

яшанг!» — дейилган.

Пайғамбаримиз (С. А. В.) «Аёллар ҳақида Аллоҳдан қўрқинг, чунки сиз уларни Аллоҳнинг омонати ила олдингиз, Аллоҳнинг қалимаси билан жуфти ҳалол бўлдингиз, уларнинг ризқу-рузи ва кийим-боши яхшилик бирла сизга вожибдур», — деганлар.

Пайғамбаримиз (С. А. В.)га биринчи бўлиб иймон келтирган шахс — Ҳадича онамиз, ислом йулида ilk бора шахид бўлган зот аёл киши бўлиб, унинг исми Сумая бинти Хобботдир.

Пайғамбаримизнинг аёлларидан бўлиши Ойша онамиз ҳадисларни кўп ривоят қилишда иккинчи урида турдилар. Бу киши ислом динининг оммалашувиға катта хизмат қилганлар.

Мамлакатимизда Зебунисо, Увайсий, Анбар отин ва Нодирабегимга ухшаш ислом таълимоти асосида улғайган машҳур шахслар кўп булган. Аёл — дунё безаги, деб бежиз айтишмаган. Аммо, ана шундай улғурлардек бўлишни истаймиз кимдан урناق олинсин билмай ҳайрон қоламиз.

Автобусларда айрим аёлларимизнинг гап-сузлари қўлоққа чалиниб қолади. — «Олдин ақлли, доно аёллар жуда кўп булган-да. Ҳозир ундайлар... Нимага энди у замонларда булгану бүгун эса йўқ».

Қандай қилиб бўлсин? Бунинг учун ҳар ким ўзи ҳаракат қилишни керак эмасми? Ҳамма ҳам онадан доно бўлиб тутилавермайди. Инсонни оиладаги соғлом муҳитига баркамол шахс қилиб тарбиялайди. Бунда аввало аёллар — оналаримиз муҳим урин туталилар. Шу боис дастлаб улар юксак ақлу-заковатли, ҳаёли-ибодли бўлишга интилишлари зарур. Ана шундагина улар қўлида камол топан фарзанд хоҳ у қиз бўлсин ва хоҳ йигит оқилу доно бўлиб улғаяди.

Бу борадаги тарбия таомилимизни ислом динининг ибратли ақидалари, таълимотлари асосида курсак, уйлайманки, нур устига аъло нур бўлур эди.

Зулфия АҲМАДНАЗАРОВА



«Болалигим сени соғиндим»

Анганага кура йил охирилган сайин барча мамлакатларда ҳисоб-китоб, нарх-наво масаласида муайян ҳулосалар ясалади. Шу нуқтани назардан қараганда, утаётган 1997 йилда ҳам МДҲ мамлакатларида нарх-навонинг усийини тухта-тишга эришилгани йўқ. Хусусан, Россияда кейинги ойларида истеъмол баҳолари 0,2 фоиздан орғиб борган. Умуман олганда, Россиянинг ҳамма вилоят ва улқаларида нарх-наво бир хил эмас. Статистик маълумотларга қараганда, Россия Федерациясининг 75 субъектида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи қисман арзонлашган бўлса, қолган ҳудудларида ошган. Кундалик газеталар 2 фоизга, уй телефонларининг абонент қўврилари уртгача 2,6 фоизга, кўватира туловлари 1,3 — 2,3 фоизга ошган.

Мексиканинг Юкатан штатининг маъмурий маркази Мерид шаҳридаги бош майдонда гайриодатий никоҳ маросими бўлиб ўтди. Бу никоҳдан утиш тантанасида 109 жуфт эркак, аёллар ўз тақдирларини боғлашди. Тантанани маҳаллий ҳокимият ташкил этди ва унга «Жамоа тўйи» деб ном берилди. Қизиги шундаки, бундай

«қўлайлик»дан кекса «келин-куёв»лар ҳам фойдаланиб қолишди. Улар маҳаллий ҳокимиятнинг «оталиғи» шарофати тўғайли никоҳдан утишда шахсан туланадиган солиқни иқтисод қилиб қолишди.

Германиянинг «Деймлер-Бенц» фирмаси обрусига хийлагина пўтур этди. Гап шундаки, анчадан бери шов-шув қилиб, мақталиб келатган «жажжи-мерсидес» машиналари харидорларнинг ишончини оқламади. Дастлаб машинани қўлмақул сотиб олишган харидорлар унинг нархи 30 минг марка туришига ҳам эътибор қаратишмади. Бироқ ҳозиргача сотилган «жажжи-мерсидес»ларнинг ҳаммаси, яъни уч минг машина заводга қайтарилди, боз устига, буюртма берганлар ҳам ваъдаларидан қайтди. Синовларнинг курсатинишга, «жажжи-мерсидеслар»ни бошқариш, айниқса, қувиб утиш чоғида жуда ноқулай экан. Ҳатто энг маҳоратли хайловчилар ҳам бу машинани қувиб утиш чоғида соатига 60 километр тезликда ҳайлаб бошқаролмаган. Яқинда фирма бу туркум машиналарнинг нархини оширмаган ҳолда, нуқсонларини баргараф этишга киришганини эълон қилди. Бундай ноқулай аҳвол «Деймлер-



Бенц» тарихида ҳам руй бермаган эди.

Американинг Хюстон шаҳрида «Спейс Шаттл» кемасида космосга сафар қилиш учун ҳозирлик қўраётган қирғизистонлик космонавт Салимжон Шарипов сунғти тайёргарликларни якулламоқда.

Собиқ совет даврида у Приморье улқасида хизмат қилди, кейин Харьков учувчилар билан юртини битирди. Қирғизистондаги Тўқмоқ уқув-машқ полкида тажриба орғирди. Саккиз йил муқаддам уни бу ердан Звездный шаҳарчасига қабул қилишган эди.

Салимжон синович-космонавт унвоинига ҳамда хашқаро клас-слаг ижнеер-эколог дипломига эга. Унинг «Шаттл»да парвоз қилиши янги йилининг январ ойига режалаштирилмоқда. Шу вақтга қўзғостонлик космонавт Талғат Мусабоевнинг ҳам парвози кўтилмоқда. Т. Мусабоев ўз йил олдин Россия пре-

зиденти томонидан фавқулодда ҳолатда жасорат курсатгани учун Олтин Юлдуз билан тақдирланган эди.

Яқинда Уш вилояти Узган шаҳри кенгаши раиси Бахтиер Солиев Хюстон шаҳрига Қирғизистоннинг давлат тимсоллари жойланган банделорни жунатди. Бу тимсолларни америкалик астронавтар билан бирга «Шаттл»да парвоз қиладиган Салимжон Шарипов ўзи билан бирга коинотга олиб чиқади.

Запорожье шаҳрида Украинада биринчи марта уй-жой коммунал хужалиғи лотересини ўтғи уйни утказиди. Уинда 32,5 минг оила иштирок этди. Бу оилалар уй-жой коммунал хизмати буйича туланадиган квартира ҳақидан қарзлари йўқлиғи тўғайлиғина ушбу уйинда қатнашиб ҳуқуқини олган. Биринчи муқофот — бир хонали квартира 72 ёшли Иван Троянскига насиб этди. Ютуқ эгаси-ютуқнинг урнига унинг пулини, яъни 4 минг америка долларини ҳам олиши мумкин.

Апшабодда Туркменистоннинг собиқ бош ваиз уринбосари Н. Суонов устидан жиноий иш очилди. У нефт-газ мажмуини бошқарган.

Текширувлардан маълум бўлишича, Н. Суонов бир неча хоржий давлатларга, ҳақини тулаш ҳеч бир кафолатланмаган ҳолатда, 4,5 миллион долларга нефт маҳсулотлари бериб юборган. Айни пайтда Н. Суонов Туркменистон ҳудудини тарқ этишга улғирган.

Орёл шаҳрида бўлиб утган бир суд жараёнини эшитиб буюрдагилар ҳайрон бўлиб, елка қисилган бошқа чора топа олишмади. Гап шундаки, орёллик эр-хотин меҳмонга бориш учун шаҳар кўчаларидан бирнидаги бекатда шаҳар ичида юрадиган автобусни узоқроқ кутиб қолишди. Отадагидай, автобус жалвалда курсатилган вақтда келмайди ва эр-хотин меҳмонга кечикиб боришади. Уларига етказилган маънавий зарар учун улар шаҳар 1-автокорхонасини судга беришди. Суд эр-хотин йўловчиларининг хар бирига, етказилган маънавий зарар учун, автокорхона ҳисобидан 80 минг рублдан ундириб беради. Бир қарашда анчайин тулоладиган ушбу ҳодиса инсон қадр-қиммати ҳақида, масъулият ҳақида уйлаб қуришга ундаши шубҳасиз.

«ОҒЗИНИ ОЧСА, ФИЛ ҲАМ КЕТАДИ»

Ақл бовар қилмас бир жиноят ҳақида

Қилмиш—қидирмиш

Ушбу жиноят тафсилоти билан танишиб чиқсангиз, эҳтимол Сизнинг ҳам ўзингизга (шу кунларда телевизор экранда кетаётган «Киематлик отамсиз!» филмининг бош қаҳрамони) дон Карлеоннинг фарзандларига айтган ушбу гаплари тўғри: «Мен фақат сизларни деб, шу ишларни қилдим, болаларим!» дейди у бир гурунгда. Унинг «қилган ишлари» — одам улдириш, бутун-бутун хонадонларни талон-тарож қилиш, ман-ман деган арбобларни қурқитиб, бойлигини умариш, бутун бошли шаҳарларга даҳшат солиш бўлган. Дон Карлеон — буюк бир мафиянинг бошлиғи бўлган.

Чолнинг шундоқлигини фарзандлари ҳам билади. Зеро еган-ичганлари, кийган кийим-бошлари, яшаётган саройлари, миниб юрган ажабтовур мошиналари — барча-бари ана уша ҳалсиз жиноятчи эвазига эканини ҳам яхши билишади. Ва, табиий, улар бу турмушга — бу ҳолга кунликканлар. Зероки узлари кейин «шу иш»ни давом эттиришади. Бу энди оламда кенг тарқалган қадим жиноятлардан бири, жиноятчиларнинг ворислари, туғрироғи, улар эстафетасини давом эттираётганларидур. Буларни тушунаса бўлади...

Аммо бизнинг қаҳрамонимиз — Тожибоев Эргашбойнинг ҳақиқатларини, жумладан, 7 нафар фарзандига: «Сизларни пешона терим билан боқаяман. Қадримга стинглар», деб ҳаргиз насаҳат қилишларини ту-

шуниб бўлмайдил!

«Пешона терим билан» дегани — «ҳалол меҳнатим билан» деганидир, албатта.

Ана энди бу инсон ҳақидаги суд ҳукмида битилган ушбу калималарни ўқийлик: «Тожибоев Эргашдан Ш.Рашидов туманидаги «Бустон» ширкатлар уюшмаси чорва саноат комплекси фойдасига... 11 миллион 753 миң 229 сум улдирилсин».

Бу — лоф эмас, ҳурматли муштарий! Бу — бор гап. Эргашбой Тожибоев оддий бригадирликдан «Бустон» чорва саноат комплекси бошлиғи вазифасига кўтарилгач, 1996 йилнинг май ойидан кейин утган бир нечагина ойлар орасида шунча пулни узига узлаштириб олиб, бамисоли «комплекс» онасининг маҳрига тушган, яъни, қалинлиги ҳисоблаган меросхўрдек тутган узини!

Вой-вой, унинг товламачилигини «ечиб», бирма-бир санаб курсатишнинг узи даҳшатли ва жирканчидир. Масалан, уша йилнинг сентябр ойидан бошлаб ҳар ой Зомин бозорига 7 бошдан қорамол чиқартириб сота бошлаган ва ҳадемай чорва комплексининг 239 бош қорамолни сотиб «еб қўйган». Ёки, масалан, Ховос туманидаги «Фарход» ширкатлар уюшмасидан тирик вазни уртача — 320 килограммдан булган 17 бош

қорамолни олиб... кириш қилмаган ва уша ширкатдаги мол хуСУСИДА битилган шартномалар нуХАСИНИ уйирлатиб, йўқ қилиб юборган. Ёки бўлмасам уша хужаликнинг бригада бошлиғи Ж.Омоповдан 10 бош, С.Ҳақимовдан 10 бош, Н.Холиқовдан 60 бош бузоқни «олиб», уз бригадир У.Юсуповнинг ҳисобига «қиритган», демак, 80 бош бузоқ У.Юсуповнинг буйнига тушган. Айрим сузларни қўштирноққа олаётганимизнинг боиси шундаки, уша бузоқлар аслида олинмаган, демак, қалбаки хужжатлаштирилган ва У.Юсуповга «утказилди» дейилган. Холбуки У.Юсуповнинг улимдан хабари бор-у, бу нарсалардан халбари йўқ... Бу «иш»нинг номини нима деб атаса буларкан? Товламачилик-да. Аммо бу сузнинг уричаси яхши жаранглайди: машенчилик... Тагин бир мисол келтираемиз: уша 1996 йил июль ойининг охирида Мухтор Аҳмедов деган бир «бўжбо» билан келишиб, «Олой» бозоридан 300 миң сума 500 миң сумлик вексел сотиб олади. Кейин ҳеч қасрда ишламайдиган, шунинг учун «бўжбо» ҳисобланмиш М.Аҳмедов векселни олиб, Янгийул туман «Ғалаба» деҳқон-фермер хужалигига боради ва у билан олди-сотди шартномаси тузиб, иккита ишонч ваколатномаси билан келтириб беради. Хужжат-

ларга «Ғалаба» деҳқон-фермер хужалигининг муҳри босилган эди. Холбуки, холбуки... ҳаётда ундай хужаликнинг узи йўқ экан! Бу «иш»ни нима деб аташ керак, ҳурматли муштарий? Узингиз ном тошинг...

Дарвоқе, ушбу «мисол»нинг давоми бундай: шартнома ва ишонч ваколатномасида «Ғалаба» деҳқон-фермер хужалиғи 500 миң сум эвазига 400 бош қорамолни 5 кун ичида етказиб бериш, яъни, сотиш мажбуриятини олган бўлади. Ниҳоят, Э.Тожибоев уша «молларни кириш» қилади. Кейин эса, хар бир қорамолнинг оғирлигини 554! кгдан қилиб, уни «чиқариб» юборали. (Сиз қурганмисиз 5 ярим тонналик қорамолни) Эргашбой Тожибоевнинг «махиная»ларини санайверсак, бошимиз говлаб кетади... Худо ҳақки, бу «иш» билан танишганда, дон Карлеон ҳам тан берган бўлурди, эҳтимол.

Ва, ажабмаски, «Кимлар учун шу ишларни қилдинг?» Фарзандларинга нималар делдинг?» деб сураса.. Дарвоқе, у сурай олмайдил. Чунки Э.Тожибоев ҳозир қамоқда, 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Эҳтимолки, у озодликдан чиқиб келгач, фарзандларига... Ха-ха, фарзандларига нималар дер экан-а? Ахир, у зузнинг аслида ким эканини жамоатчиликдан яшириб юр-

ган, демак, уз жигарбандларидан ҳам сир тутганига шубҳа йўқ. Ана шунинг учун ҳам у халиги гапни айтган бўлиши керак: «Хайр, фарзандларим. Мен сизларни пешона терим билан боқаятган эдим...»

Йўқ, йўқ. Қуриб турибдики, уз жигарбандларини уғирлик билан, товламачилик билан, шайтонлик, макр билан «боққан» — едирган, ичирган ва кийилган чиқади?

Ҳе, танграм, наҳотки бундай бетовфиқ, бейимон оталарга одил суд ва жамоатчилик «қули билан» берган жазойинг шу бўлса? Ҳа, қилмишларига шу жазо (қонунан) етарлидир. Бироқ уз дилбандларига ҳаром лўқма едиргани, уларни харомхўр қилиб, гуноҳга ботириб қўйгани учун жазойинг қани?

Балки у жазо шу тобда товламачининг қалбига киши билмас йўллар билан урмалаб киргандир? Уни ичдан кемираётгандир? Балки, эҳтимол...

Аммо фарзандлар-чи? Уларда изтироб чекишаётганмикан? Уларнинг-да қалбига бирон нарса урмалаб кирганмикан? Балки буни ҳали билишмас улар...

Алижон ЖУРАЕВ,
Сурдарё вилоят суди судьяси,
Саминжон СУЛТОНОВ,
журналист

МУСИҚА — БУ
ҒОЯДИР

Мен ислом ҳақида гапирарканман, бировнинг боғида юриб, нуқул уз боғимни мақтаган одамга ухшайман. Холбуки, уша «биров», истаган пайтида мени уз боғидан чиқариб юбориши мумкин.

Инсон қалбида ҳақиқатдан ҳам яширин заковат бор-ки, инсон уз ақлидан кура ана шу заковатдан купроқ миннатдор бўлса арзийди.

Баъзи ёзувчилар борки, уларнинг сунгги бор ёзган васиятномаларига ҳам ишониб бўлмайдил.

Ушоқни босиш — увол, ундан ҳам қимматлироқ бўлган вақтни бекор утказишчи?

Ҳавонинг кузга қуринмаслиги уни йўқлигини тасдиқламаганидек, динсиз яшаш мумкинлиги Худонинг борлигини инкор қилолмайди.

Энг бахтсиз ёзувчи, уз асарини шайтон севиб ўқишидан қўрқмайдиган ёзувчидир.

Азон янграб турган жой, мусулмон одам учун ватан ҳисобланар экан, «эх, менинг бепоён ватаним», — дея ҳайқиргиси келади, кишининг.

Инсон чуққини қузлайди-ю, лекин узига қулай булган жой — сайхонликда яшайверади.

Баъзилар илмли булишади, лекин илмларига амал қилмаганликларини учун

Кўнгил ижодхонаси

сузларида ҳикмат сезилмайди.

Дунёда бирор шеър йўқ-ки, ниҳоятсига етган бўлса. Ҳамма шеърлар деярли чала ёзилади. Истаган шеърни олиб, истаганча давом эттириш мумкин.

Аҳли ислом ким билан рақобатлашмасин узини шахмат тахтасининг бир томонида турган уйинчилардай тутуши лозим. Шунда, кимнингдир эмас, Оллоҳнинг қули билан юрилгандагина голиб чиқиш мумкин.

Дунёда муҳаббат деган тушунарсиз нарса бор. Лекин унинг тушунарли бўлиши шарт эмас. Чунки, муҳаббат ечилиши зарур масала эмас, димоғингизни чоғ қилувчи кўнгилхўшлик, холос.

Шайтон узи қуринмайди-ю, лекин у қилган ишларнинг ҳаммаси кузга қуриб туради.

Одам то эс-хушини танимас экан, буйнига қуйилган мажбуриятни имтиёз сифатида қабул қилаверади.

Сиз муסיқани бу фақат оҳанг деганга. Муסיқа — суз каби аниқ, фалсафа сингари — ғоявийдир. Ёмон сузни эшитишни истамайдиган киши, ёмон муסיқани ҳам тингламайди. Баъзилар мусиқадан шу қалар узларини асрайдиларки, парҳездаги одам сингари, ҳалол-ҳаромни ажратиб, тақвода юришади.

Муҳаммад ИСМОИЛ



Ана энди қор ёғса ёғаверсин

СОҒИНИЧ

Мени излаб келмади ҳеч ким
Туқсон олтинчининг қаҳратониди.
Янги йил кечаси елгиз бир узим
Хаслан сен билан туғни утказдим.

Сени бир нафас ҳам холи қўймадим,
Майюс суратингни безади аз.
Мен ҳали ҳеч кимни бундай

суймадим,
Меҳримнинг қошида дарёлар саяз.

Мен қандоқ айтурман сузлар дол, ожиз,
Бегона вужуддай титраб турар тан.

Ҳолимни аяллатмас на шеър, на

мажоз,
Қўрсим гам мулкига будди-ку Ватан.

Утган кунларингни уйлаб уқинма,
Сира гам босмасин иттиҳларингни.
Сен мента ташлаган қанча бўлса ҳам,
Узим кутарурман гуноҳларингни.

Исматилла ЙЎЛДОШЕВ,

Ургут тумани,

Қўрғонча қишлоғи

Ё пирай! ЎЗЛАРИДАН КЎПАЙИШДИ

Айова штатидаги Карлайл шаҳарчасида истиқомат қилувчи Бобби ва Кенни Марройлар оиласи бир йўла етти кишига кўпайди. Ой-кўни етиб кузи ериган Кенни бир йўла тўрт уғил ва уч қизга она бўлди. Бундай рекорд дунёда атиги бир марта қайд этилган, лекин унда гўдақларнинг бир нечаси яшамаган эди. Де-Мойн шаҳри болалар шифохонасининг турмуш бўлими врачлари Марройлар чақалоқларининг аҳолини яхши дейишмоқда. Худо умри билан берган булиб, уларнинг бари яшаб қолса, бу оила ягона рекордчи бўлиб қолади.

Бундай қувонч яхши-ю, лекин у оила олдида иқтисодий муаммоларни кунданкун қилиб қўйди. Ҳали

туғруқхонага камида 325 миң (650 миңгача бўлиши мумкин) доллар тулаш керак. Бир бола 18 ёшга тулгунга қадар тарбияси, таълими учун яна уртача 109 миң доллар «қулогини ушлаб» кетади. Лекин ҳозирча Марройлар елгизланиб қолишгани йўқ. Биз яхши биладиган «Проктер энд Гэмбл» корпорацияси чақалоқлар учун етарли микдорда гигиена воситалари ва тагликлар ажратди. Бошқалари эса болалар учун егулик, аравача, уйинчоқлар, кийим-кечакларни бепул ажратадиган бўлди. Фирмалардан бири автофургон совға қилди. Айова штати губернатори эса қуришиш фирмаларини узидан кўпайган бахтли оила учун ҳамкорликда янги уй қуриб беришга даъват этди.

Шундайлар ҳам бўларкан...

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонман!

ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ

Муҳаммадия опа — бева эди: эри боёқиш иккита мастнинг уртасига тушиб (улар муштлашгаётганда), «орачачига бир таёк» дегандай, олдида унисини кетидан бунисининг калтагини еб, сулайиб қолган; кейин мастлар қочиб кетиб, узи меласига чиқиб қолган, нафақа пулиек унинг рузгорига етар, илло ҳовлиси бўлиб, томорқасидан — туштдан бошқа барча масаллик чиқарди.

Дарвоқе, Муҳаммадия опанинг эридан қолган 40000 суми бор, уни тишининг қавагида сақлар, фақат қўшниси Наргизахон икки марта қарз сураб кирганда, 2000 ини берган, қўшни, табиий, қарзни қайтармаган эди. Бунинг бир сабаби — опанинг узид бўлса керак: у киши — қули очик, биров бир нарса сураб кирса — йўқ дейолмас, аксинча — қўшнилари унда маърака-мавлуд бўлиб қолса, белини боғлаб хизмат қилар, туена оборишни ҳам унутмасди.

Энди Муҳаммадия опанинг бир исдисно жиҳати ҳақида сузлаймиз: дейлик, у кишининг кунлидан нима уй ўтса, шу нарса қўшнеча содир буларди. Масалан, йўлда кетаётди. Қўлида бозорлиги солинган турхалта.

«Шу бекатга етганда, йиқилиб тулсам-а?» деб уйладими, бас, йиқилиб тушарди. Бир-икки марта хизматдош дугоналари туғилган кунларини ресторанда нишонлашди. Муҳаммадия опа ундай, жойларга қадам босмас, илло намозхон, тақводор аёл эди. Улар денг, «нақ бир ҳафта боши оғриб, кўрпа-тушак қилиб етди. Шу боис кунлига бирон номаъқул фикр кела бошлаганини сезса, уни дарҳол қувар, кейин шоша-пиша: «Ло ҳавла вало кувватта иллоҳ биллоҳи», деб қоларди. Ана шундай ғайритабиий, кароматми-башоратми дейилажак хислатга эга булган бир ноёб хотин эди у.

...Бугун овқатни пишириб турганида, қўшниси Наргизахон шониб кириб келди.

— Вақтида келдингиз-да, Наргизахон. Битта узимнинг томоғимдан қандоқ утаркин, деб турган эдим, — деди. Ичида эса: «Яна пул сураб келди. Ишқилиб, озроқ сурасин-да», деб қуйди. Ва, ҳақиқатан ҳам саломаликдан кейин Наргизахон дийдесини бошлади:

— Опажон, жоним опам, яшашамағулар эримнинг чунтагига наша солишиб, гуноҳкор қилиб утиришибди. Турмага тушса, ёмон одамларга қўшилиб, ёмон бўлиб кетиши аниқ, опажон. Сиз қанча-қанча савоб ишларини қилгансиз. Сизга ҳатто

душманларингиз ҳам тан беради. Яна халоскоримиз сизсиз, деб келдим. Атиги 38000 бериб турсангиз, булади. Худо беҳабарлар нақ 40000 сурашипти. Икки мингини узимиз бир амаллаб топамиз.

— Уттиз саккиз минг? — Опанинг озидан чиқиб кетди. — Тавба, худди билгандоқ гапирасиз-а.

— Ҳа, сизда шунча пул борлигини биламиз-да, опажон, — деб тиз чуқиб олди Наргиза. Кейин кузига еш олди. — Йўқ деманг, опажон. Кейин сизга керак бўлиб қолса, ашқол-дашқолларимизни булсаям сотиб қайтарамиз. Бизга раҳмингиз келсин, опажон. — Наргиза Муҳаммадия опанинг қарахт тортиб кетган юзига тикилиб бирдан қорнини курсатди. — Болам бор. Отасиз бўлиб ўмасин. — Кейин бирдан авж қилди: — Агар, агар шу пулингизни қайтариб бермасам, туғилмаган шу болам ерут дунё юзини кўрмасин...

Муҳаммадия опа уридан туриб кетганини билмай қолди. Гангиган ҳолда ички хонага кириб, кутичасидан нақ 38000 сумни чиқариб берди.

— Олинг. Қасам ичманг. Болани уртага қўйманг. — Кейин Наргизахонимга қўшилиб узи ҳам йи-

лади. — Ёмонларга худойимнинг боққан балоси бор, синглим.

Наргизахон пулни бағрига босиб, пилдираб чиқиб кетди. «Қайтармайди», деб уйлади Муҳаммадия опа ва бирдан хўшёр тортиб, узини суқди:

— Нега ундай дедим? Нега? Э, худойим... — Шунда дастурхона қараб, нон йўқлигини, уни харид қилиб келишни унутганини эслади-да, газни пасайтириб қуйиб, кучага отланди.

Дуконга бориб, учта патирни олди-ю, чунтагига қўл суқиб, пули йўқлигини англади. Шошапиша нонни дукончига қайтариб, тагин уйига йўл олди. Шунда яна эслаб қолдики, эрталаб яна бир қўшниси болалари оч утирганини айтиб, харажатга асраб қуйган бор аҳчасини олиб кетган эди.

Опа йўл уртасида туриб қолди. «Нега бундай бўлаяпти? — деб уйлади. — Мени аллашяптими? Йўқ, муҳтожликдан сурашяпти-ку?.. — Кейин бирдан қўриқиб кетди. — Бердимми — бер-

дим. Энди пушаймон есам, худояям ёқмайди. Ахир, савоб учун қилдим-ку бу ишларни, савоб учун».

Сунтра Муҳаммадия опанинг кайфияти кутарилиб, уйига жўнади. Аммо эшигига етган чоғида уйда нон йўқлигини хотирлаб, юраги зирқираб кетди. Жўла паршон бўлиб, орқасига қайтди: кимдан қарз сурасин? Майли, бекатга борсин-чи...

Опа бекатга яқинлашганда, автобус жўнаб, айвонча ости бум-буш бўлиб қолди. Шунда кўнглидан бир уй ўтди: «Уша ерга бор. Бораверсанг-чи. Шояд нон пули топиб олсанг... Юз сум топганимда, учта патирга етарди...»

Муҳаммадия опа айвонча зинасига оёқ қўйиши замон егоч уриндик остида бир чети қўзарилиб қимирлаб турган юз сумликини кўрди. Секин бориб олди. Атроф бум-буш эди.

Мавлазимхон Муҳаммадия СОДИҚ



Жўнжиқиб қолдику дарахтлар

ҚАЙДАСИЗ, ДАДАЖОНИМ!

Исмин Анора. Бу йил насиб этса 17 ешта туламан. Оиламиз катта ҳам, кичик ҳам эмас. Икки укам, онам ва мен яшаймиз. Далам бизни ташлаб кетганлар! Ушанда кичик укам атиги 35 кунлик чақолоқ булган экан. Ҳозир у 1-синфда ўқимокда.

Далам бошқа аёлни севиб қолганликларини учун оламдан ва биздан ажрашганлар. Онамнинг эзилганлари бизларни деб икки-уч жойда ишлаб рузгор тебратгани кўз унгимизда бўлди. Лекин онам сира-сира у киши ҳақида ёмон гапирмаганлар. Аксинча, «Худо хоҳласа, даламнинг инсоф кириб туйларимизга бош бўлади...» деб кўнглимизни кутаралдилар. Қизик, шунчалик азобни елкасига ортмоқлатган, ёшгина умричи бевалик номи билан увол қилган одамга нега ёмонликни раво кўрмайдилар? Устига устак даламнинг қасрдлигини билмасак...

Онам ҳозир тижорат билан шуғулланадилар. Ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ. Уй ишларига узим ердлашаман.

Ҳоҳо тендошларим далалари ҳақида мақтаниб қолишганида нафасим ичимга тушиб кетадигандек туюлади. Уйда менинг далажоним яшамаслигидан ўқиниб кетаман. Шунда онамга сездирмай йўглаб оламанд хат ёзаман: «Далажон, сиз тириксиз-ку? Наҳотки, тириклар бир-бирини соғинмаса? Сизни кўргим келди, ростдан соғинганман. Кичик укам сизга росаям ухшайди. Бизни эсланг, йўқлаб келинг! Елкамиз отасизликдан қисилмасин...».

АНОРА, Сирдарё вилояти, Деҳқонобод даҳаси

Сирлашув

АЁЛДАН ЧИҚҚАН КАККУ

Иснод

Қўшлар орасида бир лаънатиси булади. У уза паррандалар инига туҳум қўйиб кетаверади. У какку қўш.

Қуйидаги воқеа шуни едга солди.

Элмира (исми узгартирилган)нинг эри оламдан утгач, 4 нафар фарзанди билан қирқираб қолди. Рузгорни раҳматлик эри тебратарди. Бора-бора рузгорнинг очофат гори Элмиранинг инсоний хиелатларини ҳам ямлашга утди.

Тасаввур қилинг, куп қаватли бинода енгин бўлмоқда. Туққизинчи қаватдаги квартирадан уй жониворлари жонхолоқта даста сакраяпти. Бироқ уй соҳиби бундай йўл тутмайди. Негаки у ут балосидан қутулишни уйлаб, бошқа балога гирифтор бўлишни хоҳламайди. Аксинча, мушоҳада юрийтиб, аввало таъқиб этаётган биринчи балони бартараф этишга урина бошлайди.

Элмира эса тирикчилик хавфидан қўчиб, бошқа бир хавфга дучор бўлди. Енгиндан қочаман, деб тубандаги ботқоққа ботди. Эрининг руҳини топтаб, фарзандларини иснодга қўйиб, кун кура бошлади. Қишлоқдагиларнинг таъна пичингла-рига:

— Нима қилай, бир этак чурвақа билан?! Қўнимизни қуришимиз керакми? — дея жерқиб жавоб қайтарарди.

Эри вафотидан 3 йил ўтиб, Элмиранинг ҳомилалар бўлиши эл озгида турли гапсузларнинг қўнайишига сабаб келди. «Элмиранинг бачаси фалончидан, пистончидан», деган миш-мишлар тарқалди.

Ҳомилани олдириб ташлаш кеч булганлигини билган Элмира сирдошлари билан маслаҳатлашди.

Сукротга айтишибди: «Сени ноҳақ ул-

диришяпти». Сукрот: «Ҳали мени ҳақ була туриб улдиришларини истамадинглар?» — дея жавоб қайтарган экан. Элмира ҳам «Туғаман, детдомга топшираман», — дея исноддан қутулишни уйлаган эди.

Сирдошларидан бири унинг жонига оро кирди:

— Битта йули бор-у, қалтисроқ. Қўшни қишлоқда тирноққа зор оила бор. Фарзанд асраб олиш учун ҳаракат қилишгаётган эди. Шулар билан келишсанг, ҳам муайяна...

Туғилмаган боланинг савдоси Элмира уйлагандан-да осон пишди. Фарзанд доғида қуйган бу хонадон соҳиблари кузига бойлик қўрнимасди. Тана, гуруч, ун келди. Ҳатто «кўлнинг кири» ҳам келди. Барибир қорнида туққиз ой, туққиз кун кутариб туққан фарзанди эвазига бу ҳам кам эди. Начора, имони, номус, ифратини сотиб урганган аёл эди у.

У хатто фарзанга зор эркак-аёлнинг мана бу талабини ҳам қондирди:

Элмира тулиб турган кўкрак сутини ерга соғди...

Аллоҳ умр берса, бола улғаяди. Эҳтимол бир элнинг дарига ҳамдам, қувончига шерик бир инсон булар. Аммо, бир кун келиб, бор ҳақиқатни билмаслигига ким кафолат беради? Ушанда дусту-бирорларни, маҳалла-қуй ичида қандай бош кутариб юрди? Кимни айблайди? Туғилмасдан-да қуй килишни уйлаган, тутилгач-осонгина воз кечган... Йўқ, арзон-таровга сотворган онасиними?

Бетовфиқ, бейймон она-чи? Наҳот бир кун келиб пушаймон эмаса?

Ахир, инсон — какку эмас-ку?

Алижон САФАРОВ

Ҳолат!

Сен азиз нарсасини йўқотиб қўйган одамсан: кузларинг жовдирайди, нигоҳларинг мунг. Уни излайсану тополмайсан, лекин излашдан ҳам чарчамайсан.

Оёқларинг остида ээгилаанаётган бағр ва хас-чўшларга тикилганча уй сурасан, хаёлларингнинг чеки йўқ...

Осмон тип-тиник, ҳар жой-ҳар жойда нафа-нафа оппоқ бутулар сузиб юрибди. Ана, турналар кўҳна дунё каби кўҳна қўшиқларини қуйлаб учиб утаняпти. Уларнинг ортидан уларга жур бўлиб «қур-э», «қур-э», деб югуриб бораётган болалар орасидан уни излайсан, лекин тополмайсан.

«Қар-р», «қар-р», этган овоз хаёлингни бўлиб юборди. Атрофга ҳайрон алаңлайсан. Қўзинг қаргаларга тош

отиб қувиб юрган болақайларга тушади. Шоирнинг: «Тупроқ кўчаларда кечган болалик, Йиллар чанги ичра аста йўқолди. Болалик кетди-ю, шўх давраларида Уни кула-кула эсламоқ қолди», сатрлари хаёлингга такрорланади.

Болақайларга тикиласан-у, излаётган нарсангни барибир топа олмаслигингни англаб, бағрлари тукилиб, яланғоч бўлиб қолган дарахтга бехоҳгина суянасан.

Шунда лабларинг шивирини эшитасан: «Болалик, мен сени излаётиман-ку?»

Малоҳат ХОЛИҚОВА,
ТошДУ биология
факултети талабаси

КЎМСАШ



ОЛМАЛАРНИНГ «ДОДАСИ»

Буюк Британиянинг Детлинг шаҳридаги қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари выставкасида Алан Смитнинг боғида етиштирилган гоят улкан олма намойиш этилди. Унинг диаметри 53 сантиметр бўлиб, нақ 1,9 килограмм тош босди.

БОЛАПАР БЕБОШ БУЛГАЧ

Хабаровск улқасининг Нанай туманида балоғат ешига етмаган усмирлар учун комедантлик соати жорий этилди. Унга кура кеч соат 10 дан кейин усмирларнинг кучада юриши тақиқланади. Тартиб бузилган ҳолларда болаларнинг ота-оналари маъмурий жавобгарликка тортилади. Балоғатта етмаганлар ур-тасида жиноятчиликнинг кескин ошиб кетганиги туман раҳбариятини ана шундай қарор қабул қилишга мажбур этиди.

48 МИЛЛИОНЛИК «ОРЗУ»

Фарба Пикассо асарлари яна урф бўлмоқда. Ганцлар оливавий коллекциясида сақланаётган расмларнинг машҳур «крести» аукциондаги савдоси бунинг исботлади. Рассомнинг «Орзу» асари 48 миллион долларга сотилди. Шуниси борки, 1941 йилда Ганцлар бу расмни 7 минг долларга сотиб олишганди. «Жазоирлик аёллар» 32 миллионга, «Ором курсидаги аёл» эса «ағтиги» 24 миллионга пулланди.

УЛКАН ПАЙПОК

Ишбилармон жаноблар уз маҳсулотларига харидорларни жалб этиш учун рекламанинг қандай турларини ўйлаб топмайдилар, дейсиз. Масалан, Германиянинг Стремлова шаҳридаги трикотаж бирлашмасида 21 кун давомидда 5,1 метри улкан пайпоқ туқилди. Бунинг учун 10 килограммга яқин жун ип сарфланди.


ДОКТОР «ВОЙЖОНИМ»

Бутунги кунда Россияда ҳар 100 минг кишидан 70 нафари сил касаллигига чалинган. Шимолий Кавказда эса янаям купрок — 200 киши. Лекин бу ҳол ҳукуматни ташвишга солаётгани йўқ. 1998 йил бюджети лойиҳасида тиббиёт учун ажратилиши кузда тутилган маблағ 1997 йилгидан 4 фоизга камлиги ҳам бунинг исботлаб турибди.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Болалар жамғармаси жамоаси жамғарманинг Самарқанд вилоят бўлими собиқ раиси

Сулаймон ҚАРШИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукур таъзия билдиради.



Хурмадан ҲАЛОМОВ Фарзидин!
Сизни қутлуг 40 ешингиз билан табриклаймиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Рафиқангиз ва фарзандингиз

Сурайя МҲММЕВА

Мен тилайман, дунёда мавжуд Бахтли ҳаёт сизга ёр бўлсин. Келажакда шаҳло кузингиз Яна юз баҳорни курсин.

Ҳамкасбларингиз

Мухтабам онажонингиз Қўзиёва Мохирўа Нурматовна, аммажонингиз ФОЗИЛОВА Ҳамидатон Яниёвона, жиянингиз АНВУРБЕКОВ Шериф Баҳодиржонович!

Сизларнинг барчангизни таваллуд айёмларингиз билан қутлаймиз! Онажон, 27 ноябр кунги кушалоқ байрам — мучал туйингиз муборак бўлсин! Бахтимизга соғ-саломат, давраларимиз турини тулдириб юринг деб

фарзандларингиз, жиянларингиз

Ўсондан азиз сизларжон ва қизингиз **ЛОЛАХОН, Насибатон БОШПАР қиз!**

28 ноябр — таваллуд кунингиз муборак. Сизни қучиб қолғувчи ота-онанг, ака-ука, опа-сингилларингиз номидан

Ботир Жамолов, Зангиота тумани

Ғалим **ФАРИД** ва қизингиз **МАДИНА!**

Сизларга узоқ умр, сиҳат саломатлик тилайман. Уқини ва ишларингизда улкан ютуқ ва зафарлар ёр бўлсин деб

Дадаг Олим Очиллов



Қўнм сирларининг сирдоши, сулоки дуоман РАҲИМОВА!

Сизни муборак таваллуд айёмингиз билан қутлайман! Сизга азим ва азиз дунёдаги барча бахту-саодат, нафосат, гузаллик ёр бўлишини истайман!

Эзгу тилаклар ва самимий дил илҳори ила

Дугонангиз Нодирахон

Надарибузрукборингиз Давлатан ОЯЛОВАЛИЕВА!

Сизни чин эҳтиром ила қутлуг таваллуд айёмингиз билан муборакбод этиб, сизга Оллоҳдан мустаҳкам соғлиқ, боқий, умр, бахтимизга ҳар доим барчамизга бош-қош бўлиб юришингизни сураймиз.

Қалбда борим, дилда торим, Кузларимнинг қуввати. Сизсиз падар — меҳрибоним, Тириклигим давлати. Жон отажон, қутлуг булгай Муборак бу ешингиз. Яратгандан ҳар он сурай, Омон бўлсин бошингиз.

Фарзандларингиз Нозимжон, Негматжон,

Набижон, набираларингиз Шохиста, Шаҳноза, Олимжон

Сулоки ва қаддонингиз **Мукамбарзоним ИБРАҲИМОВА!**

Сизни 26 ноябр — таваллуд кунингиз — муборак 40 ешингиз билан дилдан қутлаймиз ва узоқ умр куриб ҳамиша бутунги кунингиздай гузал ва соғ-саломат юришингизни тилаймиз.

Турмуш ўртоғингиз ва қизларингиз Муборак, Ирода



Ҳаммагиз улу севимли фарзандингиз **Қаҳрамон РАҲИМОВ** ва набарингиз **Махмуджон ҚАХРАМОН** қиз.



Сизни таваллуд топган кунингиз билан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, соғ-саломатлик ва Оллоҳ берган фарзандларингизга бош бўлиб юришингизни тилаймиз.

Отанг Рихсвой, Отанг Муҳаббат, Уканг Жамшид

Мухтабам адажонингиз Абдулотиб ОМОИЛОВ!

Қутлуг 60 ешингиз билан чин дилдан қутлаб, Оллоҳдан сизга соғлиқ-омонлик, узоқ умр тилаб қоламиз.

Ҳурмат билан фарзандларингиз

Азиз дўстимиз АЗАМАТ!

Сизни тугилган кунингиз билан табриклаб, Оллоҳдан доимо соғлиқ, баркамоллик ва яхши кунлар тилаймиз.

Қадрдон дўстларингиз Шавкат, Зайниддин, Жаҳонгир, Абдулазиз, Жабфар

«ЁШЛИК» ОБУНАГА ЧОРЛАЙДИ!



Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси ҳамда республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси муассислигидаги сеvimли «Ёшлик» журналнинг учун 1998 йилга обуна давом этмоқда.

Утаётган 1997 йил тахририят учун самарали кечди — зеро, биз муштарибларимиз ҳамда нашримизни дуконлардан олғувчи харидорларимизга берган наъзаларимизни ало этиб, режалаштирган барча асарларни чоп этдик. Утаётган йилдан ризолик хисси эса бизга келгуси йил учун ҳам асосли мулжаллар қилиш имкониятини бермоқда.

Шу бутуннинг узидаёқ келгуси йилга мулжалланган асарлар тахририятимиз папкаларида чоп этилишга тайёр ҳолда турибди.

- Мана улардан баъзилари билан танишинг:
- Абдулла **ОРИПОВ**. Пайғамбаримиз ҳастидан. Достон.
- Мухаммад **ЮСУФ**. Чулпон ҳақида достон.
- Тоғай **МУРОД**. Бу дунёда олиб бўлмайди. Роман.
- Шукур **ХОЛМИРЗАЕВ**. Динозавр. Иккинчи роман.
- Одил **ЕКУБОВ**. Болалик кечмишим. Хотира-қисса.
- Гаффор **ХОТАМ**. Чинорга айланган одам. Туркум ҳикоялар.
- Шодликул **ҲАМРОЕВ**. Салтанат бешиги. Қисса.

Шунингдек, журналнинг қиёфасини белгилашга хизмат қилаётган «Кунгил дафтари», «Ҳозирги ёшлар», «Қалб манзаралари», «Ижтимоий онг», «Дунёқараш», «Ёшлар», «Мувоzanат» рункларидан ҳам бир қатор қизиқарли мақолалар эълон қилишни кунингизга тутиб қуйганмиз.

Агар доғда қолмай десангиз, «Ёшлик» журналга уз вақтида обуна бўлиб қуйганингиз маъқул.

Обуна нархи қиммат эмас:
Бир сонига — 100 сўм. Бир йилга — 600 сўм (етказиб бериш харажатлари турли вилоятлар учун турлича).
Шошлинг! Обуна тугашига санақли кунлар қолди!
Бизнинг нашр кўрсаткичимиз 822.

Сирли Олам

Азиз мунтаррайлар, 1998 йил учун нашрларимизга обуна бошлайди! Барчапиз учун сеvimли «Сирли олам» ойнамаси ва «Қалб кўзи» ҳафтаномаси сизларга мунтазир.

Қалб Кўзи

Фироқ

Борлик уйкуда: тирикчиликнинг барча ташвишларидан у ҳам толиққандай.

Ташқарида кимдир йиғлаётими еки совуқ шамол электр симларига урилиб увиллаётими — билиб бўлмайди. Ниҳоят кимнингдир титраб-қақшаб нола қилаётгани эшитила бошлади. Ким булди экан-а? Овози таниш-ку! Таниш...

Езги таътилдан сунг группалар яна институтга йиғилишди. Орамызда Умида йуқ эди.

Ушанда Умилани, у билан бирга юрган, унга уйланаман, деб ишонтириб қуйган Шавкатдан сурашга ҳеч ким ботинмади. Кейин, унинг бошқа қизга уйлангани ҳақида гап тарқалди. Бунинг ҳам сабабини сурашга биров жазм этмади.

Умида ҳамон институтга келмасди.

Шанба куни. Уйга қайтаётиб, чойхона олдида утишда чойхоначи отахоннинг кимгадир ачиноиб сузлаётгани устидан чиқиб қолдим.

Воқеани эшитгач, оқсоқолни курган кузларимга, сузларини тинглаган қулоқларимга

ишонмай қолдим.

...Умида алданганини билгач, жаҳл устида узини сувга ташлабди. Кейинги куни кексалар билан шу хонадонга кириб бораётганимизда, ногаҳон аёл кишининг қаҳ-қаҳаси эшитилди. Ҳовлида урта ёшлардаги қуйлакчан бир аёл юрарди. У кулар, нималарнидир узича сузлар, аммо сузларини англаб бўлмасди.

Аёл иттифоқо ерга қараб... уввос солиб йиғлаб юборди. Шу дамда бутун борлиқ унсиз қотди. Фигони фалакка урлаётган бу паришон аёл Умиланинг онаси эди...

Аёл уксиб-уксиб йиғлар, нидоси ичидан ситилиб чиқарди. У ҳеч нарсага, ҳеч кимга эътибор қилмасди.

Она дийдаларини юмиб олган. Кузларидан томаётган ёш у чеккан барча азоб-укубат, қайғу-аламларни юмиб ташламоқчилик эди, гуе.

Ҳа, бир субутсиз номарднинг қилмиши боис — мунофиқлик, пасткашлик, хиенат қурбони бўлган хокисор бир қиз орзу-аъмолларини узи ила олиб кетди... Таассуф, минг таассуф.

Яшаш... яхши яшап кимнингдир куз ёшлари, бировни бахтсиз қилиш ҳисобига бўлмаслиги керак-да, эй Шавкат! Сен узингни Умиланинг урнига бир дақиқа қуйиб қур-чи, номард! Ушанда ёр бостан кузларинг мошдек очилади. Бироқ кеч бўлади... Ҳа, кеч бўлади.

Дилшод МИРАБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳри

Азият

«СОҒИНСАМ ОТАЖОНИМ,
ИЗЛАЙИН ҚАЕРЛАРДАН?»

Ёқубжон қабристонни айланар экан, кеча оқшом углининг айтган гаплари қулоғи остидан жаранглаб кетди:

«Икки гапнинг бирида узим емай — сенга едирдим, узим киймай — сенга кийдирдим, дейсиз. Шунинг ҳадеб фарзанд юзига солавирин шартми? Мана, узингизни олайлик, фарзанд бўлиб отангизга нима қилгансиз? Тириклигида-ку қадрига етмадингиз, улгандан кейинчи? Лоақал қабрини зиёрат қилишга ярамайсиз-ку, дада?»

Дарҳақиқат, углининг гапларида жон бор эди. Ёқубжон, қабристонга ҳатто ҳайит кунларида-қадим қуймасди. Мана оқибати: қушпа-қундуз куни отасининг қабрини тополмай юрибди.

Ҳайрият, қабр устида бир парча тахтача бор экан! У қабр ёнига чукка тушди. Тахтачадаги хиралашган ёзувларни ўқиди. Отасининг қисқача таржимаи ҳоли битилган бу «ёдгорлик»ни тўғрилаб қуяркан, хаёлини уша мотам куни хотиралари чулғаб олди. Аммо, дафн маросимидан кейин отасининг қабрига қачон келганини эслаёлмади. Орадан йиллар ўтиб, ут-уланлар босган, қурт-қумурсқалар ин курган қабр қаровсиз эди.

— Бу қабр сизга тегишлимиди, мулла ака? Мен марҳумнинг ҳеч кими бўлма-

са керак, деб уйлагандим. — Қушпи қабр атрофидаги анвойи тулларга сув қуяётган йиғит Ёқубжонга саломдан сунг гап қотди.

Ёқубжон миқ этмади. Айтишга тили айланмагани учун сукут сақлашни афзал билди. Лекин нотаниш кишининг гаши суягидан ўтиб кетганди.

Ёқубжон қабр бошида узоқ утирди. Кирикларни устига қалқиган куз ёшлари юзига сирғалиб тушди.

— Адашган, нолон углингизни кечиринг, дадажон. Гоҳида ёшлик, гоҳида бебошлик қилиб насиҳатларингизга қулоқ солмадим. Мени кайфу-сафо, айши-ишрат уз домига тортиди... Ҳатто бетоб бўлиб, тушакда михланиб ётганингизда, хасталикдан тинка-мадорингиз қуриб йўлимни пойлаган кунларингизда ҳам ҳолингиздан хабар олмадим.

Афсуски, энди қабрингиз узра дуружавохирлар сочсам ҳам, бу дунёга қайтиб келмайсиз.

Дала, нима қилсам, сизнинг руҳингиз шод бўлади? Нима қилсам қилган гуноҳларимни юваман?

Турғун ЖҲРАЕВ,
Тошкент тумани, Собир Раҳимов
номидаги жамоа хўжалиги

Фойдасини дарров биласиз

Хурмағли «Оила ва жамият»!

Мен сени нашр этила бошлаган кунингдан бошлаб ўқиб келаман. Сен менинг энг қадрлон маслаҳатчим, ҳасратдошим, дустим бўлиб қолдинг. Шунинг учун сен билан ошно туғинишни таниш-билишларимга, идорамизга иш билан келадиган барча кишиларга тавсия этаман, маслаҳат бераман.

Хурмағли газетам, сенинг саҳифангга эълон этилган мақолаю шеърлар, ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига доир чиқишларингдан биронтаси ҳам назаримдан четда қолмаган: ҳар биридан ҳам, камидда, бир фикр олганман, ўқиб уйга чумганман, хусусан хотин-қизлар ҳаётига оид қатор муаммоларни эслатиш билан бирга уларнинг ечилишига туртки булгансанки, бунинг учун сендан миннатдорман!

Азиз рузномам! Сенинг бошқа газеталардан фарқинг шундаки, тилинг содда — худди ўзимизга ухшайсан ва айти ўзимизни ташвишга солаётган қадриятларимиз ҳақида, чунончи, урф-одатларимиз, инсоф-диёнатимиз, одоб-ахлоқимиз ҳақида баҳс юритиб, ҳатто яхши билан ёмонни, инсофсиз билан инсофлини, ҳақиқий дуст киму душман кимлигини ёрқин мисолларда курсатиб бера-санки, уларнинг яхшисига эргашиб, ёмондан қочаётганимизни кейин сезиб қоламиз. Бу борада сен бизнинг мезонимиз бўлиб қолдинг.

Саҳифаларингга босилган мақоаларни номма-ном санагим келади, уларнинг муаллифларига алоҳида-алоҳида миннатдорчи-лик билдиргим келади. Бироқ саҳифангдан кўпроқ жойни олиб қўйиш аниқшаси тани мухтасар қилишга ундайди. Мухтасар сўзим шулки, сенинг доимий обуначинг сифатида бошқаларни, айниқса, ота-оналар, хотин-қизлар ва ешларни сента муштарий бўлишга даъват этаман.

Охириг сўзим шу: Биродарлар, «Оила ва жамият»га обуна бўлингизлар!

Бунинг фойдасини дарҳол сезасиз.



Азиз муштарийлар, 1998 йил учун газетамизга обуна давом этапти! Барчангиз учун севимли "Оила ва жамият" газетаси сизларга мунтазир.

ОБУНА - 98

ОБУНА ИНДЕКСИ: 176
 ТАШКИЛОТЛАР УЧУН: 177

Бўш вақтингизда

Ушбу кросворд биз урга-ниб қолган, одатдаги кросвордлардан сал фарқ қилади. Унинг жавоблари шакл ичидаги ҳарфларда яширин, фақат ҳарфларни чизиқча билан боғлаб, керакли суз ҳосил қилиш керак.

Очқич саволлар: 1. Улардан эҳтиёт булмасангиз, касалга чалинишингиз ҳеч гап эмас. 2. Ошнинг таъми у билан. 3. Авиалиниялардаги тижорат рейслар. 4. Ҳарбий унвон. 5. Хорижлик машҳур адиб, детектив асарлар устаси. 6. 1-ва 2-жаҳон уруши йиллари донг таратган пулемёт. 7. Шахматдаги ҳолат. 8. Бу дарахт утинга жуда боп. 9. Игрекнинг ошнаси. 10. Бескорчилар уйини. 11. Уни кемасиз ва кемани усиз тасаввур қилиб бўлмайди. 12. Балиқ тури. 13. Телекурсатув ва кинофилмлардаги суз. 14. Имтиҳон усули. 15. Футбол буйича жаҳон чемпиони. 16. Уни стадионда қуриш мумкин.

В М Т Е С К О Д Т Р К

XX асп:

ҳодисалар силсиласи

Иқтисодчиларнинг ҳисоб-ки-тобича Ер юзидя 1,1 миллиард бош қўй бор экан. ***

Намибия пойтахти Виндхук шаҳрида кучага узунлиги 1 километр булган қур уриятилиб, ка-боб пиширилди. Бунинг учун 750 кило гушт, 180 кило шафто-ли қоки, 240 литр маринад иш-латилди. Бу кабобдан татиб ку-риш нақ уч минг кишига насиб этди. ***

Жағубий Африканинг Нав-руз шаҳрида ошпазлар (улар беш киши эди) 29 соат вақт сарфлаб, узунлиги 37 метр булган пирог пиширишди. ***

Венесуэлалик Карло Монтес исмли йигит яқин оғайниси би-лан катта пулга баҳслашиб, бир ой от устида яшди. Унинг емак-ичмагию, етмоқ-турмоғи ҳам, бошқа эҳтиеларни қондириши ҳам от устида булди. ***

Нидерландияда яшовчи М. Хо-лмсинг томорқасида усаётган кунгабоқарлардан бирининг бо-шқаларни қондиришди. Пиш-...